# XALQ DEPUTATLARI ROMITON TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 30 - dekabr VI-56-99-2-40-K/21 Romitan tuman hokimligi

## Ромитан туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ халқ депутатлари Ромитан тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Ромитан тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 75 млрд. 515,0 млн.сўм, харажатлари 166 млрд. 848,0 млн.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 91 млрд. 333,9 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ромитан тумани бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини

тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 млрд. 559,0 млн.сўм миқдорида белгилансин.

9. 2022 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 1 млрд. 298,0 млн.сўмни мувофиқ белгилансин.( 6-иловага)

10. Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10

санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Очилов), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, тегишли ташкилот бошлиқлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

12. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор “Ромитаннома” газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

14. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

15. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Sessiya raisi** **Toyirov S. S.**

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
1-илова

**Ромитан тумани маҳаллий бюджети даромадларининг**
**2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари**

минг сўмда

| **Т/Р** | **Даромад турлари** | **Жами** |
|---|---|---|
| 1 | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | |
| 2 | Айланмадан олинадиган солиқ | 13 635 000 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 11 171 200 |
| 4 | Қўшилган қиймат солиғи | 0 |
| 5 | Акциз солиғи, жами | |
| | *шу жумладан:* | |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 4 724 000 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 10 421 000 |
| 10 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | 215 000 |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 6 475 000 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Ижара тўлови | 280 000 |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | |
| 16 | Йиғимлар | 5 253 000 |
| 17 | Хусусийлаштириш | |
| 18 | Бошқалар | |
| **ЖАМИ** | | **52 174 200** |
| 17 | Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад | 23 340 810 |
| - | Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво | 8 833 276 |
| - | Мобиль алоқа хизмати | 5 031 959 |
| - | Тамаки маҳсулотлари | 9 475 575 |

| | | |
|---|---|---|
| 19 | Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар | 91 333 964 |
| **ҲАММАСИ** | | **166 848 974** |

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
2-илова

**2022 йил учун Ромитан тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари**

минг сўмда

| № | Кўрсаткичлар | миқдори |
|---|---|---|
| **Ромитан туман бўйича харажатлари миқдори, Жами** | | **166 848 974,0** |
| 1. | Туман халқ таълими бўлими | 9 719 467,0 |
| 2. | Туман Мактабгача таълим бўлими | 15 407 710,0 |
| 3. | Туман Тиббиёт бирлашмаси | 62 480 755,0 |
| 4. | Туман Маданият бўлими | 5 075 934,0 |
| 5. | Туман Бандликка кўмаклашиш маркази | 466 938,0 |
| 6. | Туман ҳокимлиги | 45 824 747,0 |
| 7. | Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими | 4 405 312,0 |
| 8. | Туман ветеринария бўлими | 1 379 219,0 |
| 9. | Туман ҳокимлиги Молия бўлими | 981 343,0 |
| 10. | Туман ирригация бўлими | 1 430 709,0 |
| 11. | Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими | 574 650,0 |
| 12. | Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қуватлаш бўлими | 4 405 312,0 |
| 13. | Фермерлар кенгаши ҳузуридаги бухгалтерия марказлари | 680 294,0 |
| 14. | Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси | 381 599,0 |
| 15. | Туман ободонлаштириш бошқармаси | 13 634 985,0 |

Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
3-илова

**Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига 2022 йилдаги ажратмалари меъёрлари**

*фоиз ҳисобида*

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Айланмадан олинадиган солиқ | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи* | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | Ромитан тумани | 0 | 100 | 20 | 100 | 0 | 0 | 100 | 0 | 100 |

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Ер қаъридан фойдаланган-лик учун солиқ (норуда материаллари) | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | Давлат божи | Жарималар | Йиғимлар | Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма** | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | Хусусийлаш-тириш | Бошқалар** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | Ромитан тумани | 100 | 100 | 0 | 0 | 100 | 0 | 100 | 0 | 0 |

*Изоҳ:* Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 3111104, 3111106, 3111300, 3111600, 3111800 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.*

*** Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан давлат бюджетига ажратмалар бўйича 3412110, 3412112 даромад кодларига тушадиган маблағлар тўлиқ вилоят бюджети даромадларига йўналтирилади.*

**** Ҳукумат қарорлари билан белгиланган нормативларга асосан тақсимланади.*

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
4-илова

**Ромитан туман маҳаллий бюджетларининг**
**2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми**

минг сўмда

| **Бюджетлар номи** | **Даромад *** | **Харажат** |
|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **75 515 010,0** | **166 848 974,0** |
| Ромитан тумани | 75 515 010,0 | 166 848 974,0 |

** мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар бўйича ўтказиб бериладиган даромадлар билан биргаликда.*

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
5-илова

## Ромитан туман маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

| **Шаҳар ва туманлар** | **Тартибга солувчи трансферт миқдори** |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **91 333 964,0** |
| Ромитан тумани | 91 333 964,0 |

Халқ депутатлари Ромитан туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-56-99-2-40-K/21-сон қарорига
6-илова

**Ромитан туман маҳаллий бюджетларида**
**2022 йилда йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори**

минг сўмда

| **Ҳудуд номи** | **Миқдор** |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **1 298 000,0** |
| *шундан* | |
| Ромитан тумани | 1 298 000,0 |